

Илк маротаба танлов

Самарқанд шахрида бўлиб ўтди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шунингдек, жамоалар томонидан ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган видеороликлар намойиши ҳам талабаларнинг ҳар томонлама юқори савияли билимга эга эканлигидан далolat беради.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган махсус саволлар берилиб, талаба ёшларнинг юриспруденция соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Танловда ҚДУнинг "Фемида", СамДУнинг "Либерал", НамДУнинг "Водий гавҳари", ТДЮИнинг "Адолат", УМУнинг "Сарбон", ЖИДУнинг "Атлант" жамоалари ўзаро куч синашди.

Наманган вилоятининг "Водий гавҳари" ҳамда ТДЮИнинг "Адолат" жамоалари олий ўринга, УМУнинг 1-ўринга, ЖИДУнинг "Атлант" жамоаси 2-ўринга, ҚДУнинг "Фемида", СамДУнинг "Либерал" жамоалари эса 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳали жамоалар Ўзбекистон Республикаси Ад-

лия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ОАТ "Туронбанк"нинг I, II ва III даражали дипломлари ва кимматбахо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ғолиб жамоалар ва иштирокчиларга Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий адабиётлар тақдим этилди. Танлов давомида 10 та номинация бўйича аниқланган энг фаол жамоа аъзолари ва ташкилотчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, танлов давомида ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир гуруҳдан бир нафар "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" деб топилган олий таълим муассасасининг битирувчиси адлия органлари ва тизимга кирувчи муассасаларга ишга қабул қилиниши учун захирга олинди.

Танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган янги голлар акциясини ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

(Давоми. Боши биринчи бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА охириги йилларда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, "Хабар корпус" институтининг жорий этилганлиги, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилганлиги, 2008 йилда "Адвокатура институти" таъсис қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, тергов ва шахсни қамоққа сақлаш муद्далари қисқартирилганлиги, ушлаб турилган ва қамоққа олинган гомонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги қамоққа сақлаш жойларидаги қонунчиликни тартибга солувчи махсус, янги "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоққа сақлаш тўғрисида"ги Қонунни қабул

га, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларига ҳар қандай масалалар юзасидан аризалар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳамда мурожаат этилган тилда жавоблар олиш ҳуқуқи тартиби назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ёки қамоққа сақлаш жойлари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек, суриштирувчи, терговчи ёки суриштирув ва тергов органига ўйланган аризалар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмаслиги, уларга берилган жавоблар эса маъмурият томонидан эълон қилиниши шартлиги қўзда тутилмоқда.

Лойиҳанинг 22-моддасида жиноят процессидаги амалиётга мувofiқ, ушланган пайдан эътиборан ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳимоячи, қариндошлари ва бошқа шахслар билан ўрашуви тартиби белгилаб қўйилмоқда. Жумладан, адвокатнинг ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан эркин ўрашуви тартиби белгиленмоқда.

Инсон манфаатлари

олий кадрият

қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да тақлиф қилинган яна бир ташаббуси, яъни жиноят процессининг судга қадавр иш юритув босқичида қўлланган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини қўлаш тартибининг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини янада кучайтириши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Мазкур Қонун лойиҳасининг мақсади шундан иборатки, у жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ушлаб турилган ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахсларни қамоққа сақлаш ҳамда қамоққа сақлашга мослаштирилган тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларни сақлаш тартиби ҳамда шароитларини тартибга солишдан, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шу ўринда, 8 та боб ва 56 та моддadan иборат қонун лойиҳасининг энг асосий қондаларини белгилаб берган нормаларга тўхталиб ўтас.

Конституция қондаларига мувофиқ лойиҳанинг 6-моддаси шуни назарда тутдики: ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар уларнинг айбдорлиги уларга ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланганидан ошқорла суд муҳомадаси йўли билан қонуний тартибда аниқланмагунча қадавр айбис ҳисобланади.

Лойиҳанинг 18-моддасида, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари батафсил белгилаб берилмоқда.

Лойиҳанинг 19-моддасида, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоққа сақлаш жойи маъмурияти-

Бунда адвокатдан унинг гувоҳнома-си ва ордердан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Шу билан бирга, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қамоққа сақлаш жойларига монеликсиз кириши, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс билан ўрашув ва суҳбат ўтказиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, қамоққа олинган шахсга телефон орқали лимитланган сўзлашув ҳуқуқи эътиборга олинмоқда.

Лойиҳанинг 26-моддасида эса қамоққа сақлаш жойларида ташкил этиладиган тиббий-санитария таъминоти қўзда тутилган. Унга қўра, қамоққа сақлаш жойларида даволаш, профилактика ва санитария ишлари, эпидемияга қарши кураш ишларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳамда санитария-гигиена талабларининг бажарилиши тартиблари белгиленган.

Шунингдек, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс қамоққа сақлаш жойларида тан жароҳати олган тақдирда ўзи ёки ҳимоячисининг илтимосига биноан тиббий текширув ташқаридаги ҳолис тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай текширув ўтказилиши рад этилган тақдирда прокурорга шикоят қилиниши тартиби мажбур.

Лойиҳанинг 30, 31-моддаларида, қамоққа сақлаш жойларида ҳомилдор аёллар ва ўз ёнида икки ёшгача болалари бўлган аёллар ҳамда вояга етмаганлар учун яхшиланган моддий шароитлар яратилиши, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тартиби, овқат оширилган нормаларда берилиши назарда тутилган.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳар кунги сайрлари катталариникидан кўп бўлиб, қамиди икки соат қилиб белгиленмоқда. Сайрлар вақтида вояга етмаганларга жисмоний машқлар ва спорт ўйинлари учун имконият берилиши, шароит бўлган тақдирда, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган вояга етмаганларга кино-фильмлар намойиш этилиши, улар



Олимжон ЎСАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот котиби

учун телекўрсатувларни томоша қилиш ташкил этилиши, спорт машгулотлари ва бўш вақтини ўтказиш учун хоналар, шунингдек, оқич ҳавода спорт майдончалари жиҳозланиши қўзда тутилмоқда.

Лойиҳанинг 53-моддасида эса қамоққа сақланаётганлар бўйича

Ўзбекистон ва БМТ:

Истиқболли ҳамкорлик

(Давоми. Боши биринчи бетда)

БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун 2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда бу борада амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ишлар билан яқиндан танишиш ва уларга юксак баҳо берди. Шунингдек, БМТ Бош Котиби Орлобўйи минтақасида бўлиб, у ердаги экологик ҳолатни ҳам кўздан кечириди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Котиби Пан Ги Муннинг тақлифига биноан 2010 йил 20 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги йўли мажлисида иштирок этиб, мазкур самитда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёдаги бугунги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экологик муаммолар, Афғонистон можораси ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида алоҳида тўхтади. Президентимиз томонидан илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта

қиқиқиш билан қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳар томонлама асослаб берилган, тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар, жумладан, минтақамизда ва бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодий, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожини янги босқичга кўтариш ва уларни янада кўпроқ инсон манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш — буларнинг барчаси жаҳон жамоатчилигидан биргалликдаги доимий саъй-ҳаракатларни талаб этадиган устувор вазифалардир. Уларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш эса, аввало, жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятининг теран ва чуқур англаб ўтилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг фаолият йўлини ҳаммаш қўллаб-қувватлаб, унинг мақвини юксалтириш учун янада фаоллик кўрсатиши шубҳасиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, ТДЮИ кафедра мудири, юридик фанлари доктори

Савол-жавоб

Васиятнома ёзиш тартиби

ёки уни ўзгартириш талаблари

ЁШИМ 66 да. Ёзган васиятнома ми маълум сабабларга кўра ўзгартирмоқчиман. Бунинг иложи борми? Шу масалада кимга мурожаат қилишим керак?

Санжар ота ЯРАШЕВ, Қашқадар вилояти

— ВАСИЯТНОМА фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасаруф этиш хусусидаги охириги хоши-иродасидир. У нотариус томонидан нотариал тартибда тасдиқланади. Шуни айтиш керакки, фуқаролар йиғинларида тасдиқланган васиятнома қонуний кучга эга эмас.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига олган васиятнома тўғрисида ҳақли. Бунда мерос қолдирувчи васиятнома тўғрисидадан кейин уни истаган пайтда бекор қилиши мумкин ва бунинг сабабини кўрсатишга мажбур эмас.

Бундай ҳолатда васият қилувчи нотариал идорага васиятнома бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши ва ушбу аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлигини нотариал тартибда тасдиқлаштириш лозим. Бекор қилинган васиятнома бошқа нотариал идорада тасдиқланган бўлса, васиятнома бекор қилиш тўғрисидаги ариза васият қилувчи томонидан ёки нотариус томонидан шу васиятнома тасдиқланган нотариал идорага юборилади.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятнома уни ўзи қили билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ҳозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Иноят КАРИМОВА, Данғара тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимлари танлов ўтказиши қайта эълон қилади

Анджон вилоятида
Анджон шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Самарқанд вилоятида
Пастдарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Хоразм вилоятида
Урганч шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимлари танлов ўтказиши қайта эълон қилади

Қорақалпоғистон Республикасида
Нукус шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Тахтакош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Анджон вилоятида
Анджон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қашқадарё вилоятида
Қамаш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Наманган вилоятида
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиленган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсиянома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қамиди уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиленган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2011 йил 1 апрель)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайёглох кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Шартнома — лафз

БОЗОР муносабатлари изчиллик билан амалга оширилаётган юртимизда ҳар бир соҳада эркин рақобат, ҳалол ва доимо ривожланиш қондаларига амал қиладиган муҳит қарор тоғди. Бу борада барча мулк шаклидаги корхоналар ва иқтисодий тизимнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида асрлар давомида шаклланган ва тадрижий босқични босиб ўтган ҳаётини амалиётнинг қозғоға кўчган шакли шартномавий

муносабатларда мустаҳкамланди. Шу билан бирга айрим корхоналар томонидан мурожаатлар билан ишлашда ҳамда шартнома муносабатида, уларнинг ижро этилишида қонунбузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Жумладан, Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан "Фарбгаз-таъминот" УК Жондор тумани филиалида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Масалан, Жондор туманининг

"Алели" қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан "Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш" бўйича тузилган шартномага биноан тегишли меъёрдан кам газ етказиб берилаётганлиги сабабли ўз эҳтиёжлари учун алоҳида газ тақсимлагич қуришни сўраб қилган мурожаати филиал газлаштириш бўлими масъул ходими томонидан эътиборсиз қолдирилган. Айбдор З.Очиловга маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари

Адлия ёрдам берди



унинг бажарилишини қонун талаб қилади

бўйича Жондор тумани судининг қарори билан у жарима жазосига тортилди.

Шунингдек, текширишда "Фарбгазтаъминот" УК Жондор тумани филиалида тузилган шартномаларнинг шартлари юзасидан ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси таъминланмаганлиги аниқланди. Хусусан, филиал ходимлари эътиборсизлиги натижасида вужудга келган дебиторлик қарз ўз муддатда ундирилмаганлиги сабабли

туман Давлат солиқ инспекциясига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш учун қиритилган тақлифга биноан "Фарбгазтаъминот" УК Жондор тумани филиали раҳбари Хикмат Ражабовга ҳамда филиал бош ҳисобчиси Салоҳиддин Одиловга нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Бундан ташқари, филиал ва истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилишида, истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган, уларга нисбатан асосиз вақлар билан таъсир чоралари қўлланилиб, газ етказиб бериш тўхтатилган ёки вақтинча газ тармоғидан асосиз узиб қўйилган. Бу, ўз навбатида тадбиркорлик субъект-

ларининг овозгарчилиги ва эътирозига сабаб бўлди. Юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан "Фарбгазтаъминот" унитар корхонасига тақдимнома киритилди. Бевоқиф айбдор ҳисобланган филиал бошлиғи Х.Ражабовга ҳамда газни ҳисобга олиш ва тарқатиш бўлими катта устаси С.Бахроновга нисбатан "хайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Садриддин ЖўРАЕВ, Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

